

«БОБУРНОМА» НИНГ ЯНГИ НАШРИ

Андижонда ўн йилдан буён фаолият кўрсатаётган Бобур номидаги халқаро жамғарма ташаббуси билан буюк шоир ва саркарда Захирриддин Муҳаммад Бобурнинг тарих, этнография ва ҳарбий ишга бағишланган асосий асари «Бобурнома» янгида нашр этилди.

Ушбу асар нафақат Бобур юртида, балки Европа ва дунёнинг бошқа бурчакларида ҳам машҳур бўлиб, жаҳоннинг кўпгина тилларида нашр этилган.

Асарнинг олимлар ва тарихчилар изохлари билан тўлдирилган янги нашрини япониялик шарқшунос олим Эйжи Мано, ўзбек олимлари Порсо Шамсиев ва Собир Мирзаевлар томонидан аввал нашр этилган «Бобурнома» асосида профессор Саидбек Хасанов нашрга тайёрлади. «Шарқ» акциядорлик

компаниясида нашр этилган ушбу китоб ўзининг ранг-баранг безаклари, воқеаларни хронологик тарзда берилиши ва бошқа жиҳатлари билан ажралиб туради.

– Ватандошимизнинг дунёга машҳур китобини янги нашри мутахассисларга, шунингдек мустақил Ўзбекистон тарихини севиб ўрганаётган барча кишиларга ёрдам беради, – деди Бобур номидаги жамғарма раҳбари, Олий Мажлис депутати Зокиржон Машрабов.

«Туркистон-пресс».



Агабиёт ва санъат

• Ёшлар илҳами

ШАМ

Пирпиратиб олтин кипригин,
Кўз ёшига жо этиб сириин,
Ҳамроқ бўлиб тунлар қаламга,
Ёритади адолат йўлиин.

Деркан, майли, бўлайин адо.
Ҳақиқатнинг йўли ёритиб,

Унинг учун бўлайин фидо,
Нопокларнинг дилин оғритиб.

Токи билсин ўша муттаҳам,
Мен кабилар ёниб, тинмайди.
Ҳақиқатни қанча букса ҳам,
Эгилади, аммо синмайди.
Дилфуза МАЛЛАЕВА.

Китоб жавонингизга

«КЎЛ ЕТМАС ЧЎҚҚИ...»

Муҳтарам муштарий! Агар эсингизда бўлса ёзувчи Ражаббой Рауповнинг ҳали китоб бўлиб чоп этилмаган «Устун» романидан бир парча эълон қилган эдик. Бугун шу асар Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриётида китоб ҳолида чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига ҳамда машҳур аллома Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев туғилганининг 90 йиллигига бағишланган ушбу роман-хотиранинг бир қисmini, яъни ҳурматли домла Тўрабек Долимовнинг «Кўл етмас чўққи...» деб номланган суҳбати /суҳбат 1996 йил январь ойда бўлган/ ни сиз азият ўқувчилар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.



– Ҳабиб Муҳамедович атиги 49 йил умр кўрдилар. Геология тарихининг охириги 50 йиллигини олиб кўрсак, унда бармоқ билан санайдиган сиймолар борлиги маълум бўлади. Шундан бири Ҳабиб Абдуллаевдир.

Одатда биз геология деганда дала, тоғ ёки саҳрони болга билан кезадиган кишини тушунамиз, тасаввур қиламиз. Ҳабиб Муҳамедович ана шу кўнма-тушунчага ҳеч қачон тўғри келмайдиган геолог. Биринчидан, домла жуда катта назариятчи. Оловсимон эритмани ўз-ўзидан рудага мутахассислиги (маданларни ўзидан чиқаришни) ни домла асослаб бердилар.

Кизиги шундаки, 1947 йилдан буён ярим аср вақт ўтди. Олинган натижалар олтин, руд, мисга нисбатан ва деярли барча элементларга нисбатан ҳақиқат бўлиб қолди. Ваҳоланки, домла буни вольфрам мисолида асослаб берган эдилар. Агар биз шу соҳа, яъни Абдуллаев асос солган металлогения фанига тааллуқли журнал, китоб ёки ёзилаётган ҳар бир мақолани кўрайдиган бўлсак, муаллифлар Ҳабиб Абдуллаевни биринчи бўлиб тилга олишди. Домла ҳақида гапирганда (билишни истаган ўқувчи) тўғри тасаввур ҳосил қилиш учун Абдуллаевнинг фанига қўшган ҳиссасини кўра билиш керак. Абдуллаев дунё фанига қўшган ҳиссаси бўйича Улугбек билан тенг турайдиган, Фаробий билан бўйлашадиган олим. Шунинг учун ҳам 1958-60 йилларда домланing китоблари бир неча тилларга кетма-кет таржима қилиниб дунёга тарқалди. Бутун дунё геологлари Абдуллаев кашифётини ҳайрат ва қизиқиш билан қабул қилди, ўрганди.

Биз буни ҳалигача чуқурроқ тасаввур қилмаймиз. Масалан, мен мутахассис сифатида энди-эндигина кашифётидаги айрим фикрларни тушуна бошладим. Масалан, домланing 1961 йили нашр этилган «Урта Осиёнинг магматик жараёнлари ва рудаланиши» деган китоблари бор. Унда шундай дейилади: тектоник жараёнлар каскал сифатида зинапоёга ўхшаб ривожланади, яъни шимолдан жанубга қараб ривожланади.

Бу фикр 1970-80 йилларга келиб исботини топди. Ваҳоланки, буни Ҳабиб Абдуллаев 1961 йили бир неча ҳариталарда ниҳоятда аниқ, чиройли қилиб кўрсатиб кетганлар. Ҳабиб Абдуллаевнинг фанат металлогенист деб ҳам бўлмайди. Абдуллаев геологиянинг жуда кенг соҳаларида фаолият кўрсатган ва катта галабаларга эришган олим эдилар. Яна бир жиҳатлари, домла жуда мард инсон бўлганлар. Шундай бир мақолаларини эслаймиз. Узоқ вақт Урта Осиё Россияга ихтиёрий қўшилган, деган ёлғон фикр илгари сурилди. Абдуллаевнинг ана шу соҳаликка нисбатан ўз жавоблари бор. Юқорида эслаганим, ушбу мақола «Правда Востока» газетасида чоп этилган. Домла айтганларки, агар Урта Осиё Россияга ихтиёрий осонгина қўшилган бўлса, Кўктепадаги 15 минг туркман йигити нима бўлади, Зирабулоқдаги жанглари нима бўлади. Тошкент атрофидаги жанглари-чи, бунга нима дейсиз? Тарихини соҳалаштиришни қўйлик-да, тўғриси айтийлик.

– Урта Осиё Россия империяси томонидан забот этилган...

– Ана, энди, Ражаббой ука, бир тасаввур қилинг. Сиз ёзувчисиз, олтишинчи йилларда /1959-60/ қайси бир олим юқоридаги гапни матбуотда журъат билан айтган? Худди шу вақтда Ҳабиб Абдуллаев академиянинг президенти эдилар. Хис қилиясизми? Лавозим учун, курс учун безовта бўлган олим шу гапни гапироларди, нафақат гапирарди, ёзиш, ҳақиқатни ҳимоя қила олардимми?

– Йўқ, имони бутун, жасоратли деб шундай кишиларга нисбатан айтилади...

– Баракалла! Шу биргина мисолнинг ўзидек Абдуллаевнинг қилганини айтиб турибди.

– Эътиқодсиз, кўрқок, миллатини севмаган киши бундай юксаликка қўтарилолмайдими.

– Яшанг! Жасоратли деган сўз Ҳабиб Абдуллаевга ўхшаган, миллатпарвар, юртпарвар кишиларга нақадар ярашади! Биз тенги авлод Ҳабиб Абдуллаевга невараси шогирд ҳисобланамиз. Аммо, у кишини яқиндан таниган, бирга ишлаган кишилар, аjoyиб феъли, тантилиги ҳақида гапириб юрдилар. Геологлар орасида, бошқа соҳаларда ҳам бундай кишилар кўп...

Яна бир мисол: устозлари Алексей Васильевич Королёв билан Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаевнинг йўналишлари тўғри келмаган, икковлари икки томонда туришган. Аммо, Королёв Ўзбекистон Фанлар академиясига сайланиш пайтида, домла:

– Королёв, албатта, сайланиши керак, шу одам сайланмаса, қим сайланади? – деб уни виждонан, ҳалол қилган. Аммо, кейинчалик Королёв ўз атрофида бир қанча тарафдорларни йиғиб, Абдуллаевга қарши турди, тош отди.

Назаримда, Ҳабиб Абдуллаевга ўхшаган буюк, мард одамлар дунёга бир марта келди, иккинчи бор Абдуллаев пайдо бўлмайди. /Албатта, авлодлар ривожланади, янгиланади, давом этади, яна буюк олимлар, ватанпарвар шахслар туғилади, воғая этади, аммо, улларнинг ўзи ном, ўз дари бўлади/. Қўйинча студентлар, аспирантлар билан гаплашганимда бир нарсани таъкидлайман:

– Ҳабиб Абдуллаев бевосита кон очмаган, аммо биз шу вақтгача олим назариясидан фойдалана келаямиз. Ўзбекистондек кичик бир ҳудудда нега кон қўп? Чунки, ўша 1960 йилларда қабул қилинган, Ҳабиб Муҳамедович томонидан қабул қилинган, киртилган назария ўзининг мевасини ҳозиргача бериб келаяпти. Чоқлоқ, Қурама тоғларида 1960 йилнинг ўрталаридан бошлаб 70 йилгача қатор йирик олтин конлари пайдо бўлди. Буларнинг бари домла назариясининг бевосита йўналиши, ҳосили ҳисобланади.

Қўчулук, Қизилполма, Супатош – буларнинг ҳаммаси олим назариясининг меваларидир. Булар ҳаммаси мағма билан руданинг боғлиқлигига танийиб қидирилган ва очилган конлардир. Геологияда назария бўлмаса, ҳеч қачон олдинга силжиш мумкин эмас, кон ўзидан очилмайди. Ҳабиб Абдуллаев конлар очилишининг пойдеворини яратди. Нафақат

бизда, олимнинг гоғларига бағишланган илмий конференциялар собиқ Иттифокда ҳозиргача ўтиб келяпти. Владивостокдаги Тинч океан атрофи металлогенияси, Хабаровскдаги Узоқ Шарққа бағишланган конференция, деярли ҳар йили МДУда ўтадиган «Мағма ва рудаланиш» мавзусидаги конференцияларни эслаш жоиз. Ушбу йилларда биринчи бўлиб айтиладиган гап:

– Булар Ҳабиб Муҳамедович қилган ишлар, биз эса, ман шу қисmini ишлаяпмиз.

Абдуллаев ишларининг кўпгина томонлари ҳали очилмаган, ҳар йили бу улкан олимнинг янги қирралари топилапти. Абдуллаев назарияси яратилгандан кейин геологияда янги атамалар пайдо бўлди. Биринчиси – рудаланиш, русчасига-рудноность. Домладан олдин бу атама ишлатилмасди.

Бу сўзни Абдуллаев биринчи бўлиб киритган: яъни магманинг маъдан туғиш қобилияти. Шунинг учун ҳам домла магмани иккига бўлади-руда туга оладиган ва руда ҳосил қилмайдиган.

Домланing ҳар бир жумласини, ҳар бир саҳифасини юз, икки ўз мартан қалам билан чизиб ўқиганман. Домла ҳар битта сўз, жумлада жуда чуқур маънан жойлайди. Уни ҳар қим бир ўқишда тушунавермайди, мурраккаб.

Яна бир гап: Ҳабиб Абдуллаев қилиши, бажариши мумкин бўлган жуда кўп ишни қилмайди, улгурмайди кетди. Бунга шактсиз тақдир дейимизи ёки хусумат, унинг жасоратли қадами, сўзини қўрқолмайдиганлар сабаб бўлди. Масалан, домланing вафотидан сўнг чоп этилган икки китоби-биринчиси: Урта Осиё магматик жараёнларини умумлаштириш, иккинчиси, дунё провинцияларини умумлаштириш.

Абдуллаевдан кейин ушбу ишларни ҳеч қим домла даражасига қийинлашди. Афсуски, бундай улкан ишлар Ҳабиб Муҳамедовичдан кейин қилиб кетди.

Раҳматли саксон тўрт ёшли академик Д. С. Коржинскийнинг бир гапи бўларди:

– Ҳабиб эди ҳақ вершинал! Бывает такие вершины, которых не возьмешь. На него можно смотреть, а забраться туда уже нельзя. Математиклар буни «неулучшаемый результат» дейишади.

Ҳайратланарлиси, Ҳабиб Муҳамедовичнинг ҳақон фани йўналишига қўшган ҳиссасини ҳали бир неча авлод қўллайди. Домланing буй-бастини ана шу мезон билан қийёсанга, уни тўлағигага ағлаш мумкин бўлади. Катта-катта институтлар тузиш мумкин, академияда бир неча институтирлар ишлатиш мумкин, аммо, эришилган натижага қараб баҳо берадиган бўлсак, Абдуллаев жуда юксакка қўтарилган.

Собиқ Иттифокдаги катта шахарларда металлогения бўлими бор. Металлогения асосини қим яратган? Ҳабиб Муҳамедович яратган. Бунга ҳеч қим инкор қилмайди, қилмайди.

Шу нуктаи назардан қараганда, 1950-60 йилларда ўзбекининг, Ўзбекистоннинг обрўсини қўтариш, ўзбек деган номни дунёга танитиш Ҳабиб Абдуллаевнинг номи билан боғлиқ.

Ҳабиб Абдуллаев металлогения-металларнинг қилиб чиқишига оид фани қўққи-ча қилди. Шунга қарамай:

Анатолий Васильевич Бетехтиннинг:

– Шу вақтгача биз металларнинг қилиб чиқишини билмаймизми? – деган жуда захарханда гапи бор. Бу киноя вақтида катта бахс, мунозараларга айланган эди.

Ҳабиб Муҳамедович, Анатолий Васильевичга ҳурмат билан:

– Кимё нуктаи назаридан металнинг қилиб чиқишини-ку билармиз, аммо, металл ер қобиғида қандай ҳосил бўлади, гап шунда! – деб жавоб беради.

Шехтман, Пуркин ва бошқа олимларнинг методик усули бўларди: домладан уч-тўрт қатор цитата /қўчирма/ оларидилар, танқид қилардилар. Домла эса улар танқид қилган матни тўла келтириб, муносив жавоб бера ва рақибларини бахсда ҳалол енгиб қикарди. Абдуллаевнинг рақибларига аралашиб қолганлардан бири Сергей Дмитриевич Туровский, Фрунзе шахрида-Киргизистонда яшар эди. Домла унга ҳам муносив жавоб берган. /Шунда Сергей Дмитриевич Абдуллаевдан уэр сўрайди/.

Васильковскийнинг «Геология Азии» номи охириги китоби бор: ўлими олдиндан чоп этилган. Шу китобда у: «Мен Марказий Осиё геологиясини Ҳабиб Муҳамедовичдан олдим» деб ёзади. Йўқса, шунча манба, шунча ҳарита турибди. Бу ҳам буюк олимнинг четлаб ўтолмаслиги, уни тан олиш, эътироф этишга қиради.

Ҳабиб Муҳамедовичнинг олган натижалари йил сайин тасдиқланиб бораверган, у киши ишлаб чиққан назария мумтоз геологиянинг катта-асосий қисмига айланди. Шунинг учун металлогения бари дарилик, қўрсаткичларда махсус боб бўлиб кирди.

«Геология полезных ископаемых» номи китоб ўқув дастурларига киритилган, ўзимизда МДУ 5-босқич студентлари учун ҳам ўқув қўлланмиси ҳисобланади.

Хулоса: Ҳабиб Абдуллаевнинг ҳаёти, шахси, унинг жаҳон фанига қўшган ҳиссасини ўрганиш, ёзиш-ўқини шунга лойик, муносив билган, ҳурматли ёзувчи учун бир умрлик иш! Агар, бу иш удалланса, нафақат геология, балки адабиёт, тарих ва бошқа фанлар ривожига ҳисса қўшган олимларимизнинг хизматлари мустақиллик ёшларига – фарзандларимизга ҳолис етказилмаган бўлар эди. Шунингдек, сабоқ бўларли ишга ватанимиз – Ўзбекистон мустақилликка эришгач, биринчи бўлиб қўл ўрган экансиз, Сизга:

– Ҳайрли, жуда эзгу иш бошлабсиз, деб айтман ва Сизга омад тилайман.

Тўрабек ДОЛИМОВ,
Ўзбекистон Миллий Университети
ректори, академики.

Қатра ҲАЁТ ТАРОЗУСИ

Ҳанифа ая ўғиллари ёшлигидек орзу қиларди: булар катта бўлишса, келин олсам дарҳол биттасини янги ҳовлига чиқариб қўяман. Шунда овсинлар бир-бирига меҳрибон, иноқ бўлишди. Улар ўзаро яқин бўлганидан кейин болаларим ҳам оқибатли бўлади-да!

Ниятни илҳос билан қилганга Яратган албатта бера экан. Мана Ҳанифа ая икки ўғилнинг уйлантирди. Бир этак набирилари бор. Ҳадемай каттаси янги уйга чиқади, лекин...

Лекин ая қанчалик уринмасин овсинлар бир-бири билан чиқиша олмаяпти. Негадир муносабатлари совуқ. Бугун ҳам улларнинг орасидан оламушук ўтди. Зарифа иккита боласини олиб, бозор айлангани чиқиб кетди. Кичиги Нафиса эса «Сендан қоламанми», дегандай боласини қайнонасига ташлаб, катта оламиникига кетди. Ая набирисини бағрига юсиб ўтирар экан, уй улари тоғи юбор-гудек туюлди.

Ҳайрат, катта келини келиб қолди. Унинг жажжи қизалоқлари хурсандлигидан ҳовлининг у четидан бу четига чопиб ҳозиргина онаси олиб берган туфлини кўз-кўз қиларди.

Ҳанифа ая ўйланиб қолди. Қани энди аввалгидек кучи бўлса-у, даров бозорга тушиб манави кенжа-тойига ҳам оёқ қийим олиб берса.

Яхшиям қўшиллар бор. Қаримхоннинг келини келиб қилиб янинг жонига оро қилди. У дўконга кетаятган экан. Аядан «майли, синики табаррук» деб пулни олдида, вақтлроқ қайтишга ҳаракат қиламан деб чиқиб кетди.

Тушликка яқин кенжакой ҳам янги туфлилик бўлди. Шодлиги оламга сиймайдми. Даровзадан кириб келган Нафиса бир кизига, бир қайнонасига қараб ҳайрон.

Қайнона келинга: – Овсинингиз қизларига олганда синикига ҳам қўшиб олибди. Ярашганини қаранг, – деди ўртоқларига туфлисини кўз-кўз қилаётган неварасига имо қилиб.

Келин ҳайрон: «Нахотки овсини шу ишни қилди! Ахир эрталабданок унга ёвқараш қилиб, самовар ту-тунини унинг уйига тўғри-лаб қўйган эди-ку! Лекин мен ҳам бўш келмадим. Оғилхондаги гўнни чиқариб ташлаётган оstonасига ярмини сеип ўтдим. Роса жаҳли қилдию, аммо инда-мади. Аслида чакки қилган эканман...»

– Овқат ейимизми? – сўради овсини унинг қоққан қозикдек турганини кўриб.


Овсиннинг гапидан хаёли бузилган келин унга юзларан экан тилига қолгани шу бўлди: – Опажон, бозордан чарчаб келгансиз. Овқатни ўзим сузакотаман. Шундай деб охинонага йўналди.

Унинг муомаласидан ҳайрон бўлган катта келин ўйланиб қолди: «Кўрни қавласанг тузини чиқаверар экан. Боя нотўғри қилган эканман... Овсининг шунчалек меҳрибон экан-ку...»

Боланинг қаттиқ чинқир-риги хаёлини бузди. Нафисанинг қизи йикилиб тушибди. Югурганча ёнига бориб уст-босини қокдида, ердан даст қўтариб бағрига босди.

Боласининг товушини эшитиб охинонадан шошиб чиққан Нафиса уни кеноясининг қўлида қўридио, жилмайганча хотиржам яна охинонага йўналди.

Дастурхон бошида келинлар билан набирилари билан жамулам овқатланаётган Ҳанифа ая шод эди. Четдан қараганда у хонадон мувозаанатини ушлаб турган ҳаёт тарозусига ўхшарди... Гулжаҳон нуридиннова.



• Термиздаги «Археология» музейи ўрта Осиёда ягона. У барча қулайликларга эга бўлиб, 1426 та экспонатга эга. Умумий майдони 8440 квадрат метр. Бу муҳташам бинода 67 киши доимо хизматда.

У ўз экспонатлари билан чет эллик сайёҳатчиларни ҳамиша лол қолдирапти.



СУРАТЛАРДА: 1. «Археология» музейининг олд кўри-ниши. 2. Музейнинг кириш зали. 3. Бойсундаги тешик-тош горидан топишган «Неондертал бола» ҳайкалининг бош қисми. 4. Қушон даври маданиятига оид залда.

Турсун МАХМАДЛИЕВ олган суратлар.

Журналнинг янги сони

«ИМОН АЛ-БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ»

Ўз мухлисларининг эътибор ва муҳаббатини қозониб улгурган. «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журна-лининг учинчи сони нашрдан чиқди.

Журналнинг икки муқоваси-дан Президент Имом Каримовнинг «Ислом ва дунёвий-маърифий давлат» халқаро илмий-назарий анжумани иш-тироқчиларига йўллаган муро-жаати ўрин олган.

Бош муҳаррир З. Мунавваровнинг мақоласида инсон-парвар ва маърифатпарвар исломни ҳимоя қилиш зарура-ти, бунёдкор ислом ҳимояга муҳтожлиги тўғрисида сўз юритилади.

«Абадий парҳаёт Китоб» руҳинидаги А. Расуловнинг «Усмон мушаффи Тошкентга қачон қайтарилган?» номли мақола-сида қадим замонлардан буён

тадқиқотчилар эътиборини тортиб келаётган Усмон мус-ҳафига бағишлаб қўйлаб ил-мий мақолалар, китоблар нашр этилганига қарамай, унинг ўрганилмаган қирралари маъжудлиги тўғрисида тўхталиб, Усмон Мушаффининг Уфадан Туркистонга қачон ва қай шайроғида олиб келинган-лиги тўғрисида ҳикоя қилина-ди.

«Муҳаддислар султон»и-руқидан журналнинг аввалги сонларида нашр этилган ҳин-дистонлик олим Аш-Шайх Аб-дуссалом ал-Муборракфурий-нинг «Сийрат ал-Имом ал-Бу-хорий» /«Имом ал-Бухорий»



сийрати»/ номли китоби тар-жимасининг давоми ўрин ол-ган.

«Ҳанифай алломалар» руқ-нидаги А. Жўжонийнинг «Абу Ҳанифанинг иқтидорли шогир-

ди» мақоласида ханафий фикр тараққиётига беназир ҳисса қўшган аллома Муҳаммад Аш-Шайбонийнинг ҳаёти ва илмий мероси таҳлил этилган.

Бундан ташқари «Ҳадислар оламида», «Бизнинг анкета», «Акс-садо», «Замонамиз ула-молари», «Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасыда», «Қар-дош эллар адабиёти», «Ада-биёт саҳифаси», «Адабий таҳ-лил», «Истиқлол ва ёшлар» каби қатор руқлар остида қизиқарли ва ўқишли мақола-лар чоп этилган. Журнал Сиз-нинг дунёқарашиңизни янада бойитади.

Ҳазратилло РЎЗИЕВ,
«Адолат» муҳбири.

Назм дафтаридан

УСТОЗИМ

Менга ширин тилин берган устозим,
Бор-йўғи дилин берган устозим,
Тиним билмай илм берган устозим,
Сизга жоним фидо бўлсин устозим.

Тушунмаган дарсларимни ўргатиб,
Билбилмасам чин юракдан ўртаниб,
Қалбдан айтсам, ҳеч ўтирмай ўйланиб,
Уйлариңиз нурга тўлсин устозим.

Сиз туфайли мен билимли бўлиб қолдим,
Яхши-ёмон фарқини англай олдим,
Меҳрингизнинг чашмасидан тўйиб қондим,
Иқболингиз доим қулсин устозим.

Сизга тангри чексиз меҳр берибди,
Қалбга кўру, сўзга соҳр берибди,
Сабр-тоқат чексиз зехн берибди,
Иқболингиз қулиб турсин устозим.

Бошингизга қаро кунлар тушмасин,
Совуқ шамол сиз томонга эсмасин,
Бирор қимса қаддингизни бўксамин,
Доим соғлом бўлиб юрсин устозим.

КЎЗГА СУРТ

Нон муқаддас, нон урвоғини кўзга сурт,
Уммонни кўй, ўз бўлогинг кўзга сурт,
Ватан янглиғ юрт тупроғин кўзга сурт

ЁШЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Хурматли тахририят ходимлари! Менинг вояга етмаган ўғлим яқинда жиноят қилиб, қамалди. Айтилган, унга жазо тайинлангани ва жазони ўташ пайтида енгилликлар бериладими?

Адиба СОБИРОВА,
Чилонзор тумани.

Ўзбекистон бугунги кунда ўз келажагини ёшлар қўлида қўришни олган сураётган экан, баркамол, соғлом, ақлли ёшларни тарбиялаш, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларни олдини олиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Афсуски, катта имкониятлар бўлишга қарамадан, баъзан вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир қилинапти. Давлатимиз эса, уларни қайта тарбиялаш ва жамиятга ижобий таъсир этадиган инсон сифатида шакллантириш мақсадида турли ислохотларни амалга оширмоқда.

Жиноят содир этган ёшларни жавобгарликка тортишни ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Юртимизда одатда ўсмирлар дунёқараши шаклланган, оғир

яга етмаган шахс ота-онасининг маълумоти, мутахассислиги, болаларнинг ота-онага бўлган муносабати, оиланинг моддий-хўжалик аҳоли, вояга етмаган ўсмирнинг бирон бир жойга ишлаши, қаерда ўқиши аниқланади.

Маълум бўлишча, жиноят содир этган шахсларнинг кўпчилиги ҳеч қаерда ўқимайди ва ишламайди. Вояга етмаганлар жиноий жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири - жазо катта ёшдагиларникига нисбатан енгиллиги ҳамда жазолар миқдорининг камлигидир. Жиноят кодексининг 87-моддасига асосан 18 ёшга тулмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо, ахлоқ тузатиш ишлари қамок, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазоларгина қўлланилиши мумкин. Уларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмас.

Усмонбек РОЗИМОВ,
Тошкент Давлат
юримдику институтини
талабаси.



Ўз ишларини замонавий талаблар асосида ташкил этган Сирдарё вилоятининг Ховос тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари яқинда яна бир қулайликка эришди. Улар учун янги замонавий бино ишга туширилди. Барча қулайликлар муҳайё этилган бу бинода солиқ инспекцияси ходимлари ўз ишларини замонавий компьютерлар асосида ташкил этиши, солиқ сиёсатини изчил амалга оширишга муваффақ бўлишарди.

СУРАТДА: солиқ инспекциясининг бошлиғи Мавлонкул Хидиров ўз мутахассислари Шавкат Қўчқоров ва Анвар Шодиев билан Вазирлар Маҳкамасининг 154-қарори бўйича қилинган ишларини таҳлил этишмоқда.

Нурмат АЛМУРДОВ
олган сурат.

Жиноят ва жазо

ГИППОКРАТ ҚАСАМЎДИГА ҲИЁНАТ

Наманганлик уч шифокор худди шундай қилди. Натижада одил суд ҳукмига қўра муносиб жазога дучор бўлишди. Ҳўш, улар ким дейсизми? Марҳамат, танишинг.

1. Бахадиржон Санжаров 1975 йилда Ўйчи туманида туғилган. Қарамоғида икки нафар фарзанд бор. Маълумоти олий. 1997 йилда Андижон Давлат тиббиёт институтини тугатган. Наманган шаҳридаги 2-сонли тез тиббий ёрдам марказида йўналишдаги шифокор вазифасида ишлади.

2. Алишер Каҳҳоров 1959 йилда Наманган шаҳрида таваллуд топган. Оилалик. Қарамоғида тўрт нафар фарзанд бор. Маълумоти олий. 1982 йили Андижон Давлат тиббиёт олийгоҳини битирган. Наманган вилоят Давлат тиббиёт тиббиёт илмий марказида жаррох бўлиб ишлади.

3. Аҳмад Исоқбоев 1995 йилда Андижон Давлат тиббиёт институтини битирган. Бу шифокор Уқиргон шахрида 1972 йилда туғилган. Наманган вилоят кўп тармоқли шифокорлик жаррох бўлиб ишлади.

Учовчон беморни даволашда шифокорлик ишда соғломликка йўл қўйиб, бир бечоранинг бевақо вафот этишига сабаб бўлганлиги айбонлиги, суднинг қора қурсига ўтириши.

Ушга кўна Бахадиржон ўзи ишлаб турган марказда навабчилик қиларди. Ногоҳ қақирув бўлиб қолди. У бемор Б. Ергашевга тиббий ёрдам кўрсатиш учун жўнади. Бироқ тиббий муолажага бўлган ҳафта Хусусий тузук қўздан чиқариб ташди. Ҳис қилди. Бу эса беморни касалхонага олиб кетилмаслиги сабаб бўлди. У беморга оғриқ қолдирувчи до-

рилар бериб, ортига қайтди. Натижада беморни шифолиқ даволаш жараёни 11 соатга кечикди. Бунинг натижасида эса беморнинг ҳаётидан кўз юмишига сабаб бўлди.

Алишер Каҳҳоров ҳам Бахадиржоннинг ҳатосини тузатиш ўрнига ҳатога йўл қўйди. У жаррохлик жараёнида қорин бўшлиғи аъзоларини тула-туки қўздан кечирмади. Унинг операция қилиш усулини тўғри танламанлиги бемор Б. Ергашевнинг қайтадан операция қилинишига ва вафот этишига олиб қолди. Айбонлашчи Аҳмад Исоқбоев эса бемор Ергашевнинг даволашчи ҳақиқий бўлатуриб даволашни ётарли даражада олиб бормаган. Вақтида тўғри ташхис қўя олмаган ва амалиёт учун тўғри ва аниқ тавсия бера олмаган.

Гиппократ қасамига хиёнат қилган бу уч шифокорнинг қилинишига ва вафот этишига натижада бемор Ергашев вафот этди. Агар вақтида тўғри даволанганида бемор марҳумга айланмаган бўлар эди. Шунинг учун ҳам бу шифокорлар ўз касбига нисбатан бепарволикда, шифокорлик ҳизматини лозим даражада бажармаганлигида ва эҳтиётсизлик қилинишида адал ўлимнига сабаб бўлганлиги жиноят содир этганлигида айбонланди. Улар ўз айбига яраша жазосини олишди.

Мурод КАЛОНХОНОВ,
«Адолат» мухбири.

Замондошларимиз

УДАБУРОН АЛОҚАЧИ

...Телефон нафақат алоқа воситаси, балки одамларни энг қийин вазиятлардан қутқарувчи тармоқ. Ташкилот ё қорхона бўладими ёки мактабми... қанақа жой бўлмасин, алоқа воситаси эса тасаввур қилиб бўлмайди уларнинг фаолиятини.

Д. Белл 19 асрда телефонни кашф этиши билан инсониятга уланган муҳим яратиб берганлигини биларми? Шунинг учунки, биз телефон тўғрисида ўзимизни яқин қиламиз, қийин саволларимизга жавоб толамиз, керакли вазиятларда маълумотларга эга бўламиз, неча минглаб инсонлар ҳаёти сақлаб қолинади...

Аммо бунинг яна бир томони борки, бу ҳақда биз ҳеч ҳам ўйламаганмиз. Балки бу бизга таълуқли бўлмаганлиги ёки бу ҳақда билишни хохламаганлигимиздир. Гап телефон алоқачилари, аниқроғи, алоқа муҳандислари ҳақидадир. Айнан шу касб эгалари тўғрисида бизнинг телефонларимиз нуксонсиз ишламоқда. Бироқ телефонимиз ишламаётганлигини ёки ўчирилганлигини билмас, дарров АТС-га борамиз, ёки уларга телефон қилиб қақирамиз. Мана шу вазиятларда телефон станциясидаги тармоқ инженерлари катта аҳамиятга эга.

Шулардан бири - Карим Маликов пойтахтдаги 72-АТС тармоғи муҳандиси. Чехрасидан табассум, лабидан кулгу аримайди бу кишини кўрганда тажрибали телефон тармоғининг бошқарувчи сифатида тасаввур этиш хийла мушкул. «Энг аввало, - дейди у ёрдамга муҳтож бўлган инсонни илқ қилиб олиш ва унинг муаммосини тез ечишдир».

Карим ака 1988 йилдан буён шу тармоқда муҳандис бўлиб ишлаб келмоқда. Суҳбатимиз жараёнида шу нарса аён бўлдики, алоқа тизимига бўлган қизиқиш унда болалиқдан бошланган. Шу боис, у алоқа институтига ўқишга кириб, уни 1983 йилда яхши натижалар билан тугатган.

Унинг ҳозирги лавозимигача бўлган йўли анча узун ва машаққатли кечган. 72-АТС биноси энди тикланган пайтлардан буён олти йил давомида у кабелчи бўлиб ишлаган. Узоқ йиллар силсиласида у ҳамкасблари билан қорхона ва ташкилотларга, уларга телефон ўтказди, носозликларни таъмирлардилар...

Карим ака билан суҳбатимизда у шундай дейди:

— Қилинаётган барча ишга бутун борлигин билан қиршмоғинг лозим, шунда одамлар сендан миннатдор бўлади ва кетган вақтинг учун ҳеч ҳам аччиқмасан. Агар ҳар бир мутахассис ўз имконияти доирасида энг охириг қилини ҳам аямий сарф этса ва ишини қўйганига етказ олса - ишонинг, бу билан у нафақат одамларга, балки давлатга ҳам катта наф келтирган бўлади. Бу, айниқса, ҳозир катта аҳамиятга эга.

Ҳар бир касбнинг оғир-енглиги бўлган сингари телефон тармоғи фаолиятининг ҳам ўзига яраша машаққатли томонлари бор.

Карим аканинг ҳаққулиги, ундабуронлиги, ҳар қандай вазиятга тўғри ёндашиши, ҳар қандай ишни охирига етказиши ҳодимлари орасида ҳурматга сазовор бўлганлигига бош сабабдир. Шу маънода, шундай вазиятлар бўладими, алоқачилар ёмғир, совуқ қор остида, хат-токи кечалари ҳам ишлайдилар. Лекин улар бунинг бировга писанда қилмайдилар. Аммо Карим ака учун биринчи навбатда, инсонларнинг осойишталиги муҳимдир... Албатта ишда хато ва камчиликлар ҳам бўлади, булар вақт ўтган сайин, имконият даражасида бартараф этилади. Бироқ ютуқлар ҳам оз эмас.

— Айниқса, мамлакатимиз мустақиллиги бизга қайта имконият эшикларини очиб берди, дейди Карим Маликов суҳбати давом этиб. — Ҳозир асосб-уқунлар бўйича муаммоларимиз йўқ. Давлатимиз томонидан алоқа тизимига катта эътибор бериляпти.

Нилуфар МАТЧОНОВА.

ЎИКМАТ

Низо қилиш ҳақида сенга фатво берсалар-да, тажрибадан ўтиб синалган киши билан низо, баҳс ва мунозара қилишдан сақлан.

ЗАМАХШАРИЙ.

ҚИШЛОҚ ИНФРАСТРУКТУРАСИ РИВОЖИ УЧУН

Америка Қўшма Штатлари Халқаро ривожланиш агентлигининг Ўзбекистондаги маҳалла сармоялаш ҳаракати (CAIP) дастурига асосан Қашқадарё вилоятида биринчи тўртта лойиҳа якуниланди. Чойдара дастур учун танлаб олинган дастлабки тўртта қишлоқлардан бири бўлди. У дастурининг Ўзбекистондаги дастлабки лойиҳаси қатнашчисига айланди. Ушбу лойиҳалар амалга оширилган аҳолининг табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва тиббий хизматларнинг яхшиланishiга эришилди.

Келатган ойдан бошлаб, «CAIP» ушбу дастури Сурхондарё вилоятида амалга оширишни мўлжаллапти. Унинг очилиш маросими 30 сентябрь кунин Термиз шаҳрида Зойир Палов қишлоғида бўлиб ўтди. Унда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси, Жон Хёрбет жаноби олийлари, АҚШ халқаро ривожланиш агентлигининг Ўзбекистондаги вакили, жаноб Жеймс Роттин ва Ўзбекистондаги бошқа халқаро ва миллий ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Бундай лойиҳалар «CAIP» дастури томонидан кейинги уч йил давомида Ўзбекистоннинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги 60 та ҳамжамиятларида амалга оширилади. «CAIP» дастури АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги томонидан сармоялаш, АҚШда жойлашган иккита СНР Интернэйшнл ва Коунтерпарт Интернэйшнл ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Дилафрўз АБДУРАХМОНОВА,
«Адолат» мухбири.



Атлас кийган гўзал қизлар, Ох, бунчалар, зебосизлар, Қўшиқ айтиб, хиром айлаб, Қалбларни ром этасизлар.

«АЙРЕКС» АНДИЖОНДА

Андижонда очилган янги таълим маркази компьютерда ўқитиш, интернетдан фойдаланиш, АҚШда ўқиш учун истеъдодли ёшлар ва мутахассисларни танлаб олишга қўмақлашади. Марказ «Айрекс» халқаро тадқиқотлар ва алмашув бюроси томонидан ташкил этилди.

«Айрекс» халқаро нотижорат ташкилоти сифатида таълим ва маданиятни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштиради. Айни пайтда «Айрекс» ваколатоналари жаҳоннинг 22 мамлакатидан 71 та шаҳарда фаолият кўрсатаётди. У Ўзбекистонда 1992 йилдан буён иш олиб борапти.

«Айрекс» маркази директори Турсуноӣ Қосимовнинг айтишича, улар асосий эътиборини вилоятдаги нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликка қаратмоқда.

«Туркистон-пресс».

ХИРОСИМАДАГИ МУВАФФАҚИЯТ ТАҚРОРЛАНАДИМИ?

25 сентябрь кунин Ўзбекистон спорт делегацияси Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган XIV Осиё ўйинларида иштирок этиш учун жўнаб кетди. 28 сентябрь - 14 октябрь кунлари бўладиган бу нуфузли мусобақада юртимизнинг 218 нафар спортчиси дастурдан жой олган 38 турнинг 23 таси бўйича ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Осиё ўйинларида вакилларимиз учинчи мартаба иштирок этишмоқда.

Мамлакатимиз спортчилари илк бор 1994 йилда Хиросимада ўтган XII Осиё ўйинларида қатнашганлариди. Ушанда ҳамюртларимиз спортнинг йигирма уч тури бўйича майдонга чиқиб, ўн та олтун, ўн икки қумуш ва йигирмата бронза медалига сазовор бўлганлариди. Умумжамоа ҳисобида ўзбекистонликлар қирдан ортиқ давлат спортчилари орасида бошқини ўринини эгаллашган. Бонгоқда ўтказилган XIII Осиё ўйинларида эса олтинта олтун, ўн қумуш ва йигирмата тўртта бронза медалини қўлга киритган спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида ўннинг ўрин билан қийфоланишган.

Жанубий Кореяда ўтказилган навбатдаги кўта олимпиадасида эса Ўзбекистон спорт делегацияси сонин аввалгиларига қараганда ортди. Спортчилар билан бирга юз нафарга яқин мураббий, ҳакам, мутахассис ҳамда оммавий ахборот воситалари ҳодимлари ҳам XIV Осиё ўйинларида иштирок этишди.

Вакилларимиз мусобақанинг асосан яқинқураш турлари бўйича беллашувларда қатна-

шадилар. Жамоавий баҳсларда эса ҳаюртларимиз футболдан ташқари яна баскетбол (аёллар) баҳсларида қўлиб қўлиш учун майдонга чиқишди. Футболчиларимиз мусобақанинг «Д» гуруҳидан жой олишган. Улар дастлабки босқинда Япония, Баҳрайн, Фаластин терма жамоалари билан баҳс юритишди.

Баскетболчи қизларимизнинг рақиблари ҳам жуда жиддий. Қўраъга қўра, Ўзбекистон баскетболчилари Хитой, Жанубий Корея, Малайзия терма жамоалари билан бир гуруҳдан ўрин эгаллашган. «А» гуруҳида Япония, Хитой, Тайпейи, Ливан ва Хиндистон терма жамоалари кўн синашди.

— XIV Осиё ўйинларида қирқ уч давлат вакиллари қатнашадилар, - дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Миллий олимпиа қўмитаси президенти Собир Рўзиев. — Спортчиларимиз баҳсларга пухта ҳозирлик қўришган. Вакилларимизнинг бокс, юнон-рум кураши, дзюдо, эркин кураш, мерганлик, эшак ешиш ва қанчо, енгил атлетика турлари бўйича факат олтин медалларга даъвогарлик қилишга

шубҳам йўқ. Бундан ташқари, қарат, стол тенниси, қамондан ўқ отиш мусобақаларида илк мартаба майдонга чиқаётган спортчиларимиздан ҳам умид катта. Умуман олганда, XIV Осиё ўйинларида умумжамоа ҳисобида камиди Хиросимада эришилган натижани таққорлашни ўз олимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Мутахассислар Ўзбекистон газнасига асосий медаллар шодасини боксчиларимиз тўғрисида эришган ишон билдиришмоқда. Пусан рингларида юртимиз шарафини ҳимоя қилувчи боксчилар Рўстам Саидов, Ўткирбек Хайдаров, Сергей Михайлов, Икром Бердиев, Бекзод Хидиров, Дилшод Махмудов, Бахит Саркобоев, Сирожиддин Наимов, Шерзод Хусанов, Тўлайбой Дониревлар - эса мусобақаларга кўтаринки қайдиётган йўл олишди.

Ҳа, муҳлислар спортчиларимизнинг ғалабаларининг соғиниб қўтишмоқда. Ишонимизки, ҳамюртларимиз XIV Осиё ўйинларида ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладилар.

Аҳмад ХОЛБОБОВЕВ.



Суратларда: Тошкент аэропортида спортчиларимизни кузатиш маросимидан лавҳалар. Мухаммад АМИН олган суратлар.

«01» огоҳлантиради

ОЛОВ БИЛАН ҲАЪИЛЛАШМАНГ!

Оловнинг ўт-тигини ён эканлигини ҳаммага маълум. Бироқ, барбиров бундан ҳамма ҳам бирдек ҳушона чикариб олаётгани йўқ. Айниқса, катталарнинг эҳтиётсизлиги, ёш болаларнинг шўхлиги оқибатида жойларда ёнғин содир этилиб, қатор оилаларга моддий зарар етказилмоқда. Бундан ташқари қорхона ва ташкилотлар ҳам ёнғин оқибатида зарар қўрапти.

Туманимиз ўт ўчирувчилари ҳам аша шундай қўнғил-сизилкада қарши амалий чоралар қўришмоқда. Шу йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида Мировбодда 81 та ёнғин содир бўлди. Бунинг оқибатида 800 минг сўмликка яқин зарар етказилди. Воқеалар таҳлили шунини қўрсатмоқдаки, оловдан фойдаланишдаги эҳтиётсизлик, синарет чекиш, носоз ҳолатдаги электр итисити асбобларидан фойдаланиш шундай қўнғил-сизилкаларни келтириб чиқармоқда.

Шунинг учун ҳам ота-оналарни, катталарни ҳушёрликка қақирамиз. Оловдан фойдаланишда доимо эҳтиёт бўлишларини тавсия қиламиз. Бу борада ишлаб чиқилган қўрсатмаларимизни иш жойларида, мактаб ва бошқа муассасаларда қонг тарғиб этиб келаямиз. Истагиниз эса битта - олов ҳеч қимнинг ҳаётига ҳаф солмасин. Ундан ҳеч қим азият чекамиз.

Мансур МИРЗАХУҲАЕВ,
Тошкент шаҳар Мировбод туман ИИБ ЕХБ инспектори, ички хизмат катта лейтенанти.

Муассис:
Ўзбекистон
«Адолат»
СДП Сийсий
Кенгаши ва
«Адолат»
газетаси
ижодий
жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Т. О. ДАМИНОВ, А. Ғ. ҒУЛОММАХМУДОВ, А. ЖҲРАБОВЕВ, Р. З. АХМАДАЛИЕВ
(Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ХАЙДАРОВ, М. МҮЙДИНОВ,
К. РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. М. АЗИМОВ,
Т. И. ЭРҒАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, У. Ғ. ЖҲРАЕВ, Н. НУРМАТОВ,
М. КАЛОНХОНОВ, Д. Ғ. ТОШМУХАМЕДОВА, З. Т. ТҲРАҚУЛОВ (ўз мухбири).

Мулоқот учун
телефонлар:
Қабулхона - 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар
бўлими - 136-55-64.
Қўғибат - 136-55-96.
Факс: (8.371) 133-41-89.

МАНЪЛИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон
Республикаси Давлат
Матбуот қўмитасидан
140 рақам билан
руйхатдан ўтган.
Буюртма Ғ - 800,
Ҳажми - 2 табоқ,
Офсет усулида
босилган.
Қўғоз бичими А-2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилади.
Қорхона манзили: «Буюқ Турон»
кўчаси, 41.

Навбатчи -
Илхом СИДДИКОВ
Саҳифаловчи -
Бахтиёр ҚҲШОҚОВ

Газета ИВМ компьютерида терилди.
Босишга тоштираш вақти - 20.00.